



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Обиджонов Умиджон Жамолiddин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/зенодо.14910387>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 22nd February 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори, якка тартибдаги профилактика, профилактик ҳисоб тоифалари, якка тартибдаги профилактиканинг чора-тадбирлари, якка тартибдаги профилактика турлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш фаолияти, якка тартибдаги профилактиканинг турлари, профилактик ҳисобда турган шахслар билан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлари турлари, ушбу фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти, якка тартибдаги профилактикани амалга оширишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Мустақилликка эришилгач юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра жамиятимиз ҳаётидаги ўзгаришларни инobatга олган ҳолда тизимли, босқичма-босқич улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органларининг юқоридан қуйидаги чабўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатдан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Янги Ўзбекистон барпо этиш бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир. Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга

оширилатган янги босқичдаги туб ислохотлардан пировард мақсад. Энг аввало инсон ҳуқуқ манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришдан иборат¹.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунийманфаатларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш муҳим вазифалари этиб белгиланди.

Ҳозирги кундаги республикада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилгандан кейин эмас балки уни содир этилишини олдини олиш кераклиги юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “*Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида олиб борилмапти*”² деб бежизга таъкидламаганлар.

Жамиятимиздаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда авваламбор унинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш лозим. Ушбу йўналишда фаолиятларини амалга оширувчилар ҳуқуқбузарликларпрофилактикасини бевосита амалга оширувчилар томонидан олиб борилган ишларда шахс билан ишлаш жараёнида яқка тартибдаги профилактик ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатлари билан ажралиб туради.

Айнан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси ҳам шахсни жазолаш учун эмас балки унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига олиб келгансабаблар ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилиши лозим.

“*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси*” тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасида ҳуқуқбузарликларнингяқка тартибдаги профилактикаси, уни қўллашшартлари ва асослари қуйидагича ёритилган: “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоийхулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликсодир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасидир*”³.

Ҳуқуқбузарликларнингяқка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнингяқка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-20226 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони: <https://lex.uz/docs/5841063>

² Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизникаъбият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 314. (592 б.).

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «*Ҳуқуқбузарликларпрофилактикаси тўғрисида*»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунданазарда тутилган асосларда қўлланилади.

Демак, якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларнисодир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Ҳуқуқбузарликларнингякка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларгамойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларпрофилактикасидан қўйидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқланади:

-ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;

-индивидуал ёндашувни талаб этиши;

-мажбурлов ва чеклов нормаларини қўлланилиши;

-ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этиши;

-бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддада ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг қўйидаги чора-тадбирлари белгиланган:

- профилактика суҳбати ўтказиш;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактикҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат⁴.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар органларининг вазифалари ичида илгари судланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хусусан профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан ишлаш фаолияти муҳим йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

Ички ишлар органларида юритиладиган профилактик ҳисоблар ҳуқуқбузарликларсодир этишга мойил бўлган қонун нормалари билан белгилаб берилган алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан юритилади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг алоҳида чора-тадбирларидан бири сифатида белгиланган бўлса, 35-моддасида профилактик

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларпрофилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

ҳисобга олинадиган шахслар тоифалари, 36-моддасида профилактик ҳисобга қўйиш асослари, 37-моддасида профилактик ҳисобга қўйиш тартиби, 38-моддасида профилактик ҳисобга қўйиш муддатлари, 39-моддасида профилактик ҳисобдан чиқариш асослари белгилаб берилган⁵.

Криминология фанида жиноят содир этган шахслар алоҳида таснифланади ҳамда жиноятчи шахси ҳақидаги таълимотнинг назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим йўналишларидан бири жиноятчиларни таснифлаш ҳисобланади. Жиноятчиларни таснифлаш деганда, жиноятчиларда мавжуд бўлган бир хил ёки бир-бирига ўхшаш белги ва хусусиятлар асосида уларни турли гуруҳларга ажратиш тушунилади. Бу эса, жиноятчилик ва унинг сабабларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, жиноятлар профилактикаси самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жиноятчиларни таснифлаш турли асослар бўйича амалга оширилиши мумкин. Жиноятчиларни таснифлашнинг тавсифи, асослари унинг амалга оширилиши мақсадидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жиноят ҳуқуқида жиноятчилар улар содир қилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига, жиний-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ва жавобгарликка ҳамда жазога таъсир қиладиган омилларга боғлиқ ҳолда таснифланади⁶.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш юритиладиган қуйидаги шахслар тоифалари келтирилган:

- 1) илгари судланганларга улар жиний жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;
- 2) ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;
- 4) ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;
- 6) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга⁷.

Фикримизча қонунда келтирилган тоифаларни қайтадан кўриб чиқиш ва ушбу моддага ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд. Чунки, ушбу тоифадаги шахслар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда таҳлиллар асосида амалий органларда қуйидаги муаммо ва қийинчиликлар келиб чиқаётганлигини кузатиш мумкин:

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

⁶ Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –272 б.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

Биринчидан, қонуннинг 38-моддасига асосан профилактик ҳисоб муддати бир йил этиб белгиланган, аммо, илгари судланган шахсларнинг судланганлик муҳлатини ечилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

78-моддасига асосан амалга оширилади ва бу муддат уларни назоратда бўлишларини тақозо этади;

Иккинчидан, ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларнинг жиноят иши тергов органларида кўриб чиқилиши айрим ҳолатларда бир ёки икки ой давом этади, ёхуд айрим вазиятларда шу вақт мобайнида ушбу шахслар оқланиши ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазога ҳукм этилиши мумкин, бу эса қисқавақт мобайнида ушбу тоифадаги шахсларни профилактик ҳисобга олиш учун ҳужжатлар расмийлаштириш билан ортиқча вақт сарфланишига олиб келади;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлар эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 322-сон Қарор асосида бир йил мобайнида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базасида ҳисобга олинадиганлиги, бу ҳолат ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарларни икки жойда ҳисобга олинишига олиб келади;

Тўртинчидан, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга ўқув-тарбия муассасасида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган даврда жойлаштирилади ва тарбия муассасасидан чиқиши уни профилактик ҳисобга олишга асос бўлмаслиги лозим, чунки қонунларимизда ўқув-тарбия муассасасидан қайтиб келганлик ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилмайди.

Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоиймайллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади⁸.

Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса у қайта жиноят содир этишига олиб келади. Шу боисдан профилактик ҳисобда турган шахслар билан яқин тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг шахси ва оилавий муаммоларини аниқлаш, уларни жамиятда ўз ўрнини топишларида яқиндан кўмаклашиш ва бу орқали уларнинг ижтимоийлашуви жараёнларини тезлаштириш, хулқини ижобий томонга ўзгартириш имконини беради.

Криминолог олимлар З.С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади:

а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни;

б) шахс эҳтиёжи(манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилик) билан боғлиқ жараёнлар;

в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар;

⁸ Душанов Р.Х. Касбий психология: Дарслик // Р. Х. Душанов, Ё. А. Фарфиев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –338 б.

г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар⁹.

Якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш энг аввало, шахснинг хулқ-атворида жамиятга зид ғайриижтимоий салбий ҳатти-ҳаракатларни содир этишини олдини олиш ва уни тарбиялаш экан бунда ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, тарбиявий таъсир чораларига муҳтож шахслар билан якка тартибдаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш биринчидан, жамият учун хавф туғдирувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иккинчидан, ушбу шахсларнинг хулқ-атворида жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашни шакллантириш ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-20226 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонлиФармони: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Мирзиев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизниқатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 314. (592 б.).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларпрофилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.
4. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалариучун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррирШ.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. –272 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларпрофилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.
6. Душанов Р.Х.Касбий психология: Дарслик // Р. Х. Душанов, Ё. А. Фарфиев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. –338 б.
- Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. –Т., 1996 –130-б.
7. ugli G'ofurov AA, o'g'li Mustofaqulov BA HUQUQIYATCHILIKLARNI profilaktika xizmatida KADRLARNI TAYYORLASHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH //XALQARO ILMIY KONFERENSIYA” ILMIY ILMIY ILMIYATLAR VA INNOVATSION YAZILISHI”. – 2024. – V. 1. – Yo'q. 2. – B. 16-22.
5. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo'q. 6. – B. 188-192.
6. ugli G'ofurov, Asilbek Avaz, va Bobur Asror o'g'li Mustofaqulov. “HUQINCHIYATLAR profilaktikasi xizmatida kadrlarni ta'lim olish samarali tizimini takilish”. *xalqaro ilmiy konferensiya” ilmiy ilimlar va innovatsion yondashishlar”*. jild. 1. Yo'q. 2. 2024 yil.

⁹ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. –Т., 1996 –130-б.

7. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari*, 1 (6), 193-200.

